O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
310309


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 март, № 48 (4711) Жума


## «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»

***“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобини нашрдан чиқарди.***




Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар илгари сурилади.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **“Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар”** деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи қисми **“Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”** деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан, иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало, унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истиқболга белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало, Инқирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини бериши, айни пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратиши асарда алоҳида қайд этилади.

**(ЎзА).**

## БЕҚИЁС МЕҲРДАН БАҲРАМАНД АВЛОД

ҒАМХЎРЛИК

***Бугун ёш авлоднинг меҳр, эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб вояга етиши учун юртимизда барча имконият ва шароит муҳайё этилган. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар туб мазмун-моҳиятига кўра, фарзандларимизнинг фаровон келажагини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.***

Пойтахтимиздаги 66-ёрдамчи мактаб-интернат жамоаси ҳам шу мақсадда ёшларга илму ҳунар ўргатмоқда. Бу ерда 248 нафар жисмоний имконияти чекланган ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Шундан 22 нафар болага индивидуал тарзда, яъни уй шароитида сабоқ берилади. Мактабда дефектолог, логопед, руҳшунос каби мутахассислар, қўли гул ҳунарманд устоз-мураббийлар фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич таълим тугаллангач, юқори синф ўқувчилари касб-ҳунарга йўналтириладилар. Чунки мактабда ўқув соатларининг асосий қисмини меҳнат таълимига оид машғулот соатлари ташкил этади. Дурадгорлик, темирчилик, боғдорчилик, косиблик, тикувчилик, зардўзлик, сартарошлик, пазандалик сингари йўналишлар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).



## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

***Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифасидир. Ўзбекистон Республикасида Асосий Қонун – республиканинг Конституцияси қабул қилиниши билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинган.***

Мазкур принциплардан келиб чиқиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида, мана бир неча йиллар давомида, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Олдинги мақолада қонунчиликдаги мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини либераллаштириш мақсадларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ўзгаришлар хусусида сўз юритган эдик.

Лекин суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни бу билан тўхтагани йўқ. Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Бугун ислоҳотлар янада янгиланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларни қамраб олмоқда. Шу мақсадда халқаро тажриба ўрганилмоқда, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлил қилинмоқда, уни такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек, бундай йўл орқали ҳали мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Қонунчиликдаги янгиликларни шарҳлашдан олдин уларнинг самарадорлиги масаласида тўхталсак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни аниқ мисолларда кўриб чиқсак. Ўзбекистон Республикасининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни кучга кирганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимоснома киритилган. Ушбу илтимосноманинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримларини бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормаларини самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан холислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айни вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг холислигини шубҳа остига олмаган ҳолда, айрим ҳолларда очиқда қолдирилганлиги туфайли дастлабки терговнинг юритилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаган.

Бундан буён, оддий гап билан айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши текширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослилиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикояти ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

(Давоми 2-бетда).

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни ва унда жамоатчиликнинг иштироки» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда парламент қуйи палатасининг депутатлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари ва профессор-ўқитувчилари, олимлар, амалиётчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.***

Қонун ижодкорлиги:

## ХУЛОСАЛАР, ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, юз берган муҳим ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, сиёсий-ҳуқуқий тизимда икки палатали парламентнинг ташкил этилганидир. Миллий парламент қонун ижодкорлигининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашдаги иштирокининг таъминланганлигидир. Жумладан, амалдаги қонунларга мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига тақдим этилиши ва ушбу субъект томонидан тайёрланаётган қонун лойиҳасига асос сифатида олиниши мумкин. Айни вақтда, қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партиялар фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, қуйи палата ялпи мажлисларида уларнинг фикрларини эшитиш амалиёти шаклланди. Бу эса, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги фаолиятида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбати иштирокчилари қонунчилик жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

Дарёлар оралиғи:

## АМУДАРЁ ВА СИРДАРЁ ҲАВЗАСИНИ ЯХЛИТ ТИЗИМ ДЕБ ҚАРАШ ЛОЗИМ

***Икки улуғ дарё – Амударё ва Сирдарё ўртасида жойлашган ўлка қадим-қадимдан буён Мовароуннаҳр, яъни икки дарё оралиғи, деб атаб келинади. Айнан ана шундай қулай жойлашув туфайли бу масканда асрлар давомида жаннатмонанд боғлар қулф уриб, деҳқончилик ва чорвачилик мудом равнақ топиб келади. Зеро, бу ҳудуд учун ушбу икки дарё суви ҳамиша ишончли оби-ҳаёт манбаи бўлган. Ҳар икки дарёнинг суви бир денгиз – Оролга қуйилиши туфайли ҳам замонавий тил билан айтганда, тарихий жиҳатдан Марказий Осиёдаги ягона гидрология тизимини шакллантирган, яхлит организмга айланиб кетган.***

Афсуски, тоталитаризм йилларида Амударё ва Сирдарёнинг асрлар давомида шаклланган оқимини тубдан ўзгаришига олиб келувчи ҳалокатли қарорлар қабул қилинди ва шунинг оқибатида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистоннинг ушбу дарёлар қуйи қисмида яшовчи аҳолиси сув таъминотида катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Айниқса, ўта қурғоқчил келган ўтган йил давомида бу муаммолар янада ўткирроқ намоён бўлди.

Сувсизлик муаммоси қишлоқ хўжалигига, қолаверса, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига катта зарар етказди, айниқса, шу заминда яшаётган кишиларни жиддий синовларга дучор этди.

Биргина Сирдарёни оладиган бўлсак, ундан Фарғона водийси, яъни Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг 10 миллиондан зиёд фуқароси, шунингдек, республикамизнинг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қозоғистоннинг жанубий минтақалари ерлари сув ичади.

Афсуски, шунга қарамасдан, ўтган йилги ниҳоятда оғир сув танқислиги шароитида Тўқтағул каскадидан фақат энергетика режимида фойдаланилди ва оқибатда қиш давридаги сув оқизиш миқдори ҳар сонияда минг кубометргача етди. Бу эса Фарғона водийсининг Ўзбекистонга тегишли ҳудуди ерларини сув босишига ва оқибатда минглаб гектар бебаҳо экин майдонларининг оборотдан чиқарилишига, соҳил бўйи тўғонларининг ювилиб кетишига, тураржойлар, автомобиль йўллари, электр узатиш тармоқлари сув остида қолиб кетишига олиб келди. Кейин, яъни экинга сув керак бўлган пайтда эса, қишки сув оқизишлар оқибати ўлароқ, чинакам қурғоқчилик юз берди, ёзги парвариш даврида минтақаларда суғориладиган майдонларга меъёрдаги сувнинг атиги 50 фоизи етказилди, холос. Чунки оби-ҳаётнинг ҳар бир томчиси олтинга тенг бўлган дамларда Тўқтағулдан оқизилган сув миқдори сониясига тўрт юз кубометрдан ошмади.

(Давоми 2-бетда).

MIKROKREDITBANK

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*азиз ва мўътабар аёлларимизни*




## ҚАДРЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

**«Микрокредитбанк» эл фаровонлиги учун сизнинг яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди!**

Айниқса, оиласи учун доимий даромад манбаларини яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёшларга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тадбиркорларга янада яхшироқ имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг:



*— бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 200 баробаригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фоиз тўлови 5 фоиздан 3 фоизга;*

*— кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитларнинг йиллик фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;*

*— энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдорида бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фоиз 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.*

Тежалган ва жамғарилган сармояларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.



**ТАКЛИФ СИЗДАН – САРМОЯ БИЗДАН!**

**«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки қишлоқ аҳолиси учун қулай бўлган юқори фоизли «ТАРАҚҚИЁТ» ва «ФАРОВОНЛИК» номли янги омонат турларини жорий этди.**

**Шу кунларда пенсионерлар учун юқори фоизли «Нуроний» омонати ҳам жорий этилди. Ушбу омонатга хоҳлаган пайтда қўшимча маблағ қўйиш, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. Фоизлар олинмаган тақдирда капитализация қилинади.**

**Шунингдек, банк аҳолига турли қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган «Истиқлол», «Иқбол», «Ёшлик», «Антиқа», «Сармоя», «Коммунал-люкс», «Она юрт», «Омад», «Кумуш тола», «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Нурафшон», «Мафтункор», чет эл валютасида қабул этиладиган «Ишонч», «Кафолат» ва «Ишонч плюс» сингари омонат турларини таклиф этади.**

**Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланади ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.**

***Хизматлар лицензияланган.***

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:**
**273-28-11, 273-05-87, 273-43-11.**
**Манзилимиз: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.**

# PETRONAS

RONAS CARIGALI OVERSEAS



**Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги қарорига мувофиқ, 2009 йилнинг май ойида давлатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Айни кунда мамлакатимиз кўзгуси — муаззам шаҳарнинг муборак тўйига тайёргарлик ишлари жадал кетмоқда.**

# ШАРҚ ДАРВОЗАСИ



Маълумки, ўзбек халқи дунёдаги энг қадимий халқлар каби ўзининг муносиб тарихига эга. Икки дарё оралиғидаги Туронзамин ўз вақтида бутун жаҳонда довруқ қозонган улкан давлат тузилмаларига, кучли империяларга бешик бўлган. Боболаримизнинг шоншавкати, уларнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси бутун дунёда эътироф этилади. Дунёга буюк миллий баҳодирлар, мутафаккир олим ва уламолари билан машҳур бўлган бу элнинг — Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Хива ҳамда Тошкент каби улуғ масканлари ҳам жаҳондаги умри боқий шаҳарлар сирасига киради. Шаҳарлар таржимаи ҳоли миллатимиз тарихининг ажралмас қисмидир. Она Ватанимизнинг улуғвор йилномаси ана шу таржимаи ҳоллардан бошланади.

Қадимги манбаларда "Чоч", "Шош", "Мадинат аш-Шош", "Бинкат", "Таркан" деб ном олган Тошкент мураккаб тарихни бошдан кечирди. Вақти келганда ёвлар оёғи остида топталган, аммо ҳар гал тикланиб, гуллаб-яшнаб, маданият, маърифат, ҳунармандлик масканига айланган Тошкент тарихи — халқимиз, Ватанимиз ўтмишининг бир бўлагидир. Унинг 2200 йиллик улкан тарихининг ўзи бу замин инсониятнинг қадимги цивилизация марказларидан бири эканлигини исботлайди.

**Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан**

"Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади", деб ёзган эди Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида. Дарҳақиқат, Ватанимизнинг муқаддас остонаси — Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлашда ҳам жуда катта рамзий маъно бор.

Юртимиз истиқлолга эришганига эндигина ўн саккиз йил тўлмоқда. Албатта, бу вақт тарих мезони билан ўлчанса жуда қисқа муддат. Лекин мана шу ўтган йиллар биз учун тарихий йиллардир. Бу давр ичида Ўзбекистон асрларга татигулик улкан муваффақиятларга эришди. Ватанимиз, хусусан, Тошкент жамоли тубдан ўзгариб бораётир. Мустақиллик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намоёни ҳамда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг фидойилиги туфайли бетакрор қиёфа касб этиб бораётган Тошкент том маънода йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри рутбасига эришди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ҳақида гап кетганда, жаҳон сиёсатида "Тошкент руҳи", "Тошкент декларацияси" деган тушунчаларнинг юзага келганлигини ҳам алоҳида таъкидлагимиз келади. Шунингдек, 2007 йилда Тошкент "Ислом маданияти маркази" номини олганлиги ҳам биз доимо ғурурланиб ёдга оладиган шарафли воқеалардан биридир.

Истиқлол йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу қадимий шаҳарда кейинги йилларда қад ростлаган, жаҳон андозалари даражасидаги муҳташам бинолар, замонавий меҳмонхоналар, театр ва музейлар, оромгоҳлар, янги олий ўқув даргоҳлари, лицей ва коллежлар халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши йўлида хизмат қилаётир. Шунингдек, янги уй-жойлар, гўзал майдон ва хиёбонлар, кўркам фавворалар, муҳташам спорт мажмуалари, барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустаҳкам кўприклар, замонавий талабларга жавоб берадиган равон йўллар, метро ва бошқа улуғвор иншоотлар кўзни қувонтириб, Тошкент шаҳри чиройига чирой қўшиб турибди.

Кейинги йилларда ана шундай юзлаб кўркам ва салобатли саройлар барпо этилгани пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Зеро, бундай нодир ютуқларга Юртбошимиз Ислом Каримовнинг улкан сиёсий тажрибаси, бетимсол фидойилиги, ҳақиқий халқпарварлиги туфайли эришдик.

**Аброр ҚИЛИЧЕВ.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма театрида "Истеъдодлар марҳабо — 2009" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

### Истеъдодлар, марҳабо!

Кўрикда халқ чолғу оркестри, мумтоз қўшиқ ижрочилиги, эстрада, фольклор сингари йўналишлар бўйича 850 нафардан зиёд йигит-қиз беллашди. Танлов якунида Жалақудуқ тумани ижодий жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Избоскан ҳамда Шаҳрихон туманлари вакилларига насиб этди.

**Ҳ. БУРҲОНОВ.**

### Суратларда қишлоқ манзаралари

**Бухоро вилояти Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида ёш фотосуратчилар ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.**

Мазкур намойиш Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда вилоятдаги кўплаб ёш ҳаваскор суратчилар қатнашдилар. Тақдим этилган асарларда олис қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз урф-одат ва анъаналари, шунингдек, халқ ўйинлари акс эттирилган.

Танловда Бухоро шаҳрилик Алишер Асадов ғолиб деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**М. КАРИМОВА.**

### «Қайта туғилган» ғазал

**Қўқон шаҳридаги Фарғона вилояти адабиёт музейи ходимлари Мавлоно Муқимийнинг ҳали ғазалиёт ихлосмандларига номаълум бўлган янги ашъорини топдилар.**

Музей фондларидан бирида сақланаётган қўлёзмаларни ўрганаётган илмий ходимлар эътиборини "Туба демакда..." деб бошланувчи ғазал тортди. Изланишлар бу дилбар ғазал Муқимий ижодига тааллуқли эканлигини кўрсатди.

Қўлёзма баёзни ўтган асрнинг бошларида Муҳаммад Носир валади Муҳаммад Шокирбой дарбалдайи Хўқондий деган хаттот кўчирган экан. Баёздан, шунингдек, Амирий, Маҳзуна, Фазлий, Гулханий, Махмур, Фурқат сингари Қўқон адабий муҳитининг машҳур шоирларининг ғазаллари ҳам ўрин олган.

**С. НАБИЖОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт

**Уч йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш ва стол теннисини янада ривожлантириш мақсадида "Камолот" маликаси" мусобақаси ўтказиб келинмоқда.**

## «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий учинчи мусобақа Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Бугунги кунга қадар мусобақанинг вилоят босқичлари якунланиб, унда мактаб, коллеж ва лицейларда таълим олаётган 800 нафарга яқин ёш қиз иштирок этди. Улар орасидан саралаб олинган энг кучли теннисчилар пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилган республика финал босқичида ўзаро беллашмоқда. Мусобақаларни мустақиллик меваси бўлган мазкур масканда ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Президентимиз ташаббуси билан халқаро андозалар даражасида бунёд этилаётган спорт иншоотлари ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан иштирокчиларни яқиндан таништиришдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган йилларда ташкилий қўмита ташаббуси билан Чимбой, Жиззах, Шеробод, Поп, Қоракўл ва Ҳазорасп туманларида 6 та теннис клубларини ташкил этиш учун стол тенниси жамланмалари тақдим этилган эди. Ҳозир ушбу клубларда юзлаб ёшлар стол тенниси бўйича машғулотларда иштирок этмоқда.

"Камолот" маликаси" иштирокчилари мусобақа бошланишидан олдин Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## УМРГА ТЕНГ КУН

**Инсон ҳаёти — жумбоқ. Бу жумбоқнинг ечимини наинки топиш, балки идрок қилиш ҳам мушкул. Фақат инсон тақдир ёзуғига тан берганида, охир-оқибат бир ҳақиқатни англайди: орзулар одамзот учун қанот. Бу қанот қанча юксак парвозларга сабаб бўлмасин, барибир бир кун заминга қўнар кун бор. Шунда инсон кўнглида бир кемтикликни сезади. Бу — армон, бу — пушмон.**

**Тақдимот**

Таниқли ёзувчи, драматург Эркин Аъзам асари асосида, режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан яратилган "Сув ёқалаб" фильмида ана шундай фалсафий талқин илгари сурилади. Фильмдаги воқеалар бир кунлик кечмиш. Унда фильм қаҳрамони ҳаётининг сўнгги куни акс эттирилади. Энг эътиборли жиҳати, ана шу бир кун — бир умр моҳиятига тенг.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига асосан "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган мазкур кинофильм драматургия қурилиши, актёрлар ансамбли, эпизодларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатлар фильмнинг бадиий қимматини янада оширишга хизмат қилган.

"Сув ёқалаб" фалсафий фильм-ривоятининг бош қаҳрамони — Болта Мардон. У ўз қишлоқдошларига узоқ йиллар бошчилик қилган собиқ раис, умр бўйи элга хизмат қилдим, одамларга яхшилик келтирдим, деб яшаган инсон. Фильм туш воқеаси билан бошланади. Болта Мардон тушида тут дарахтини ва бу дарахт кесилганини кўради. Бу — фильм калити, Болта Мардон умри ниҳояланишига ишора. Шундан сўнг у уйғониб чорбоғини суғориш мақсадида сўнгги куни — ҳаёти поёнини сув ёқалаб ўтказади. У сув келтириш жараёнида кўплаб воқеаларга дуч келади, руҳий ҳолатларни бошидан кечиради. Ниҳоят тушидаги тут дарахтини ўнгида ҳам кўради. Бу унинг ёшлигида кўнгил қўйгану, бироқ висолига етишолмаган севгилиси ҳовлисида ўсган тут дарахти эди. Бу унинг армонли муҳаббат қиссасининг ниҳояси эди.

Фильмнинг номланиши ҳам фалсафий. Сув — тириклик, ҳаёт рамзи. Болта Мардон эса сувга ташна инсон. Шу сабаб у тонг саҳардан не машаққатлар билан сув бошига бориб, оби ҳаёт йўлини чорбоғи томон очтиради. Бироқ сув очганнинг уйига сув етиб келмайди, яна ҳам тўғрироғи, Болта Мардон тақдир ҳукми олдида ожиз қолади — жон таслим қилади.

Фильмдаги асосий ролларни севимли санъаткорларимиз Эркин Комилов, Тоҳир Саидов, Жавоҳир Қосимов, Зулхумор Мўминова, Сайёра Юнусова, Жамшид Зокиров, Отабек Мусаевлар ижро этишган.

Куни кеча Республика Киночилар уйида ушбу фильмнинг намойиши бўлди. Намойишдан сўнг фильм ижодкорлари, адабиёт, санъат вакиллари ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда "Сув ёқалаб" фильмининг ютуқ ва камчиликлари, ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хизмат**

## НОГИРОНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**Хоразм вилоятида ногиронларга ғамхўрлик қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ногиронларга яна бир қулайлик яратиш мақсадида 2007-2010 йилларда вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги ижтимоий таъминот бўлимлари қошида реабилитация техник воситаларидан вақтинча фойдаланиш Ижара пунктлари ташкил этиш режаси ишлаб чиқилган эди. Ҳозиргача 5 та туманда ана шундай шохобчалар фаолият бошлади. Ўтган йили мазкур пунктлар томонидан ногиронларга 2 миллион 354 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Айни пайтда Ижара пунктларининг захирасини бойитиш мақсадида ҳомийлар маблағлари ҳам жалб этилаяпти. Жорий йилда яна иккита — Шовот ва Хонқа туманларида ҳам шундай пунктлар ташкил этиш режалаштирилган.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ОБ-ҲАВО

(6 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 0-5, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 0-5, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 3-5, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


**Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига!**

**«Toshkent shahar munitsipal birja markazi» МЧЖ**

**сизларни 2009 йил 3 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдоларга қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 28 мартдаги 11-0824/1102-сонли, 2008 йил 14 мартдаги 11-0807/721-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Ниёзбоши кўчасида жойлашган, 1974 йилда қурилган, майдони 992,24 кв.м. бўлган, умумий таъмирталаб ҳолатдаги таъмирлаш цехи биноси.

Бошланғич баҳоси — 60 550 000 сўм.

Аукцион савдолари Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А»-уй манзилидаги биносида ўтказилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирганлар ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Toshkent shahar munitsipal birja markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 202865831, 20210000003993898001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун белгиланган тартибда ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават. Телефон: 233-20-74.**

1998/300

**Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 3 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

**Аукцион савдосига такроран Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Хоразм вилояти судининг 2008 йил 7 ноябрдаги ажримига асосан хатланган, «Хом ашё таъминоти» МЧЖга тегишли бўлган, Хива шаҳри, К. Ёкубов кўчаси, 71-уйда жойлашган, қўлда гилам тўқиш фабрикасининг 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони 872,6 кв.метрни ташкил қилган ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.**

***Жорий бошланғич баҳоси — 216 132 755 сўм.***

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека банк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 200933850.

**Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.**
**Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64. www.rkmb.uz.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси жамоаси палатанинг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Анвар Бегбўтаевга фарзанди

**Нурзод ЭШПЎЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Физика факультетининг Яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси кафедраси доценти Абдуманноб Носировга падари бузруквори

**АБДУЛМАДЖИД отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси хирургик касалликлар кафедраси ассистенти Шоира Ҳамидовага қизи

**НИЛУФАРнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик кафедраси катта ўқитувчиси Насим Нарзиқуловга укаси

**Акбар НАРЗИҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ** 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.15 8